



Эшмурод ўз уйида ўтуруб эдики, биров эшик кокди. Эшмурод эшик олдига келуб:

— Кимдир?

— Мен.

— Сен кимсан?

— Мен Мўминжон.

— Вой, Мўминжон экан-ку,— деб эшикни очуб, Мўминжонни меҳмонхонага олуб кирди.

Хизматчини чакируб, чой-нон олуб келишга буюруб юборди. Мўминжон ёшлигидан ўғирликга одат килуб келганидан меҳмонхонанинг козугига осилган соатга тикилди. Ул соатни мундан бир-икки хафта мукаддам Эшмуроднинг отасига бир якин дўсти хадя килган эди. Эшмурод они яхши кўруб отасидан сўраб олган эди.

— Хизматчи:

— Хавлида нон йўк экан, эмди нима киламан?

Эшмурод:

— Бўлмаса мен окча берай, кўчадан олиб кел!— деб ёнини ахтарди, окча йўк.

Меҳмонхонанинг ёнидаги уйдан окча олуб чикмокчи бўлуб ўрнидан турди. Шул холда кўзи соатга тушуб, они беркитуб кўймак учун козукдан олуб, уйга олиб кира бошлади.

Мўминжон:

— Соатни каерга олуб борасиз?

Эшмурод:

— Бу ерда турса болалар бузуб кўймасун, деб сондукга солуб кўймокчидирман.

Мўминжон:

— Хўб яхши, эҳтиёт килмак керак.

Эшмурод уйга кируб, соатни сондикга солуб, окча олай деб туруб эдики, Мўминжон «Сизни биров чакирди», деб овоз килди. Эшмурод уйдан чикуб:

— Ким чакирди, каерда чакирди?

Мўминжон:

— Билмадим, ичкари хавлидан волидангиз чакирганга ўхшайдир.

Эшмурод кириб карамак учун уйга кируб кетди. Мўминжон тезлик ила уйга кирди.

Сондукнинг огзи очик колгон эди, соатни олуб кўйнига урди. Яна чикуб, билмас киши бўлуб ўз жойига ўлтурди.

Эшмурод:

— Хеч ким чакирмаган экан, хайр, кўчадаги товушлардир,— деб уйга кируб, окчани олуб хизматчига берди. Сондукни ёпуб чикди ва соат ўғирланганидан ҳам хабари бўлмади. Шул холда хизматчи ҳам чой-нон олуб келди. Сўнгра икки дўст ўрталарида сухбат бошланди. Эшмурод:

— Огайни, мен шу холда яшайверсам хайвондан фарким бўлмас. Энди отамдан бир иш килуб рухсат олуб, Русия мактабларининг бирига кируб ўкумокчидирман. Сиз нима дейсиз?

Мўминжон:

— Эй, ўртоқ, ўрус мактабида ўқуб нима фойда киласиз? Мана, отангиз хотун олуб берадилар. Ўзингиз роҳат килуб мадрасада ўқуб ётасиз.

Эшмурод:

— Эй.. Хозирги мадрасаларимизнинг ахволи ўзингизга маълум-ку, мен ўқуб нима фойда топардим?

Мўминжон:

— Мен ўқишини айтмайман, роҳатларини айтаман. Хохласангиз ўқийсиз, хохлаган вақтда роҳат киласиз. Сизга нима?! Ўрус мактабида ўқуб закончи бўлармидингиз ё духтур бўлармидингиз ё ер ўлчайдирган зем-лемер бўлармидингиз?

Эшмурод:

— Менга ундок сўзларни сўйламасдан дуруст бир маслаҳат беринг. Хар ким истикболни ўйламоғи керак.

Мўминжон:

— Мана, мана, ўрус мактабида ўқусангиз шундок истикбол-мистикбол деган ўрусча сўзларни ўрганасиз, яна товок-кошукларни ўқийсиз. Бўлмаса нима бўлар эдингиз? Шул холда эшик кокилди. Эшмурод чикуб эшикни очуб кўрса, бири ўзининг отаси, яна бири отасининг дўсти Назарали сўфи эдилар. Эшмуроднинг отаси Назарали сўфини меҳмонхонага олуб келди. Эшмурод янадан чой-нон олдируб келуб кўйди. Хаммалари бироз ундан-мундан сўйлашуб ўтурдилар. Ош сузилуб келди.. Эшмурод уйга кируб янги келган газитани ўқумак ила машгул эди. Ош егани хам келмади. Алар ошни еб бўлгандан кейин Мўминжон зарур иши бўлгани учун алардан хам Эшмуроддан руҳсат олуб хавлисига кетди. Эш-мурод ани жўнатиб яна уйга кируб газита ўқуб ўтурган эдики, отаси чакируб:

— Уйда нима киласан, буёкга чик! Ишим бор.

— Газет ўқуб ўлтурубман.

— Эй, ахмок! Газитчиларнинг иши хаммавакт акча топмок. Газитнинг сўзини тўгриси бўлмайдир, хамма ёлгон нарсалар. Бор уйдан «Жангномаи Ахмад Замжи»ни олуб чикуб бизга ўқуб бер!

Бечора Эшмурод отасининг сўзини кайтаролмасдан ноилож они олуб чикуб икки-уч варақ ўқуб берди. Анинг савобини Ахмад Замжининг арвоҳига бағишлаб китобни ёпдилар.

Назарали сўфи Эшмуроднинг отасига караб:

— Кечаги соат кани?

— Кайдам... Кеча Эшмуродга беруб эдим. Хой, Эш-мурод, соатинг кани?

— Эрталаб сиздан кейин уйга олуб кируб сондукга солуб кўйган эдим.

Назарали сўфи:

— Баракалло! Баракалло! Отасидан хам боласи пишик, ох.

Эшмурод уйга кируб сондукни каради. Соат йўк. Нихоятда хафа бўлганидан юзида кони колмади. Ташкари чикуб секин товуш ила:

— Эрталаб сондукга кўйган эдим. Йўк...

Назарали сўфи:

— Ким оларди?... Тагин бояги бола олган бўлмасун!..

Эшмуроднинг отаси:

— Эй, жинни бўлдингизми? Эшон домланинг ўгли бўлуб туруб бировнинг нарсасини олармиди?!

Назарали сўфи фотиха ўқуб:

— Хайр, энди ҳеч боки йўқ, топилуб колар. Мен кетаман,— деб ўрнидан кўзгалуб чиқуб кетди.

Эшмуроднинг отаси Эшмуродни кулогидан бураб уйга олуб кируб сондукни карадилар. Эшмурод бечора-нинг сўйламакга ҳам тили тутулуб колган эди. Отасининг ниҳоятда аччиги чиқуб Эшмуродни уруб ташлади.

Эшмурод аввалда бир калтак емаган эди. Бу ишга ниҳоятда хафалануб уйига кируб ётди. Шундан оғруб колуб бир ой бутун бетоб бўлуб ётуб олди.

Эшмурод бир ойдан сўнгра бироз сихатланди. Лекин кеча-кундуз ўйлар эдики, шул жахолат ва нодонликнинг уяси бўлган хавлисидан кочуб, бошка бир шахарга боруб ўқусун. Нодон отасининг райига караб илмдан бебахра холда хайвон бўлуб колмакнинг ёмонлигини билса ҳам, иложсизликдан сабр килди ва кўнглидаги хафаликларин таркатмак учун кўлига газитани ушлаб кўшниси мингбошининг бокчасига чиқди.

Мингбошининг бокчаси ўз шахридаги богчаларнинг энг биринчиси бў-луб, хар кимга кирмакга изни ом берилган эди. Эш-мурод шунда искамияга ўтуруб газитани ўқий бошлади. Газитанинг кай ерига караса туркистонли бечораларнинг илмсиз ва хунарсиз холда маишат килганларига таассуф килуб ёзадир. Яна диккат... Яна хафалик...

Бу бизнинг Туркистонимиз гафлатдан уйгонурми? Йўқми? Биз бундай холда бўлсак битамиз... инкироз топамиз...

Ўқуганларимизни кофирга хукм киламиз. Аммо ўз болаларимизнинг одати вахшиёналарига деяр сўзимиз йўқдир. Биз бу холда бўлсак киши каторига санамайлар. Евруполилардан одати кабиҳаларин касб килурмиз. Аммо маданият, фунун ва саноиёларига кўз юмуб турурмиз. Биз одам бўлмаймиз... битамиз... инкироз бўламиз... Ох, жахолат!!! Битдук, битдук... Ўлдук, ти рилмаймиз...

Шул холда бирдан кулогига биров чакирган довуш келди. Атрофига караса, ёнида мингбошининг ўзи турубдир. Эшмуродга караб:

— Нима иш килуб турурсиз?

— Таксир... бугун келган газитни ўқуб ўтурубман.

— Газитда сайлов тўгрисида ҳеч нима демаганми?

— Таксир... деган, деган.

— Бўлмаса кани ўқуб беринг!

Эшмурод мехмонхонага боруб ўқуб беруб ўтурган эди. Кўшнисининг бир бесокол боласи Эшмуродни чакиргани келди. Мингбоши бесоколни кўриб газит ва сайловларни ёдидан чикарди. Ўрун кўрсатуб ўтқузуб, чой олуб чикмок учун уйга кируб кетди. Бояги бесокол мингбошининг козукда осилинуб турган олтун соатини ўгирлаб кўйнига урди. Эшмурод газитага машгул бўлуб турганидан кўрмай колди. Мингбоши уйдан чикгон эди,, Эшмурод чойга ҳам карамасдан рухсат олуб ўз уйига чиқуб кетди. Орадан бир-икки кун ўтди. Уйда ота-онаси ҳам йўқ эдики, Эшмуроднинг уйига коровил-миршаблар босуб кируб, Эшмуродни соат ўгриси деб айблаб камамокчи бўлдилар.

Эшмурод кўб хафаланди, аклдан озуб, ўз-ўзини ўлдурмакка карор берди. Бир топонча тобди. Деворга хат ёзуб колдируб кўкрагига икки мартаба отди. Шул вақт жон таслим килди. Пристўфлар келуб кўруб дўктур чакируб бокдилар. На фойдаки, бечора Эшмурод ўлди... Жахолатга курбон бўлди...

Бир-икки ойдан кейин соат ўгирлаган бесокол боланинг уйига ўгирлар кируб ушландилар. Ўгирланган моллар ичида бесоколнинг мингбошидан ўгурлаган соати ҳам бор эди. Эмди хакикати билиндики, мингбошининг соатини ўгурлаган Эшмурод бўлмай,

Эшмуроднинг қўшнисининг бесокол боласи экан. Бечора Эшмурод эса жаҳолатга курбон бўлган экан.